

**АПРЕЛЬ**  
**ЕР САЙЁРАСИ-УМУМИЙ УЙИМИЗ**

**АПРЕЛЬ**  
**ОЙ МАВЗУСИ: ЕР САЙЁРАСИ-УМУМИЙ УЙИМИЗ**

|                                     |                                                           |                                                                                                                                                                                                                                    |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |
|-------------------------------------|-----------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------|----------|----------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------|
| Гуруҳ                               |                                                           | Ўрта                                                                                                                                                                                                                               |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |
| Мавзу                               |                                                           | Коинот сирлари                                                                                                                                                                                                                     |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |
| Муддати                             |                                                           | Апрель ойининг 2-ҳафтаси                                                                                                                                                                                                           |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |
| Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар | Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши | Болалар соғлигини мустаҳкамлаш, организмини чиниқтириш ва функцияларини такомиллаштириш. Кун тартибига мувофиқ болаларнинг очик ҳавода бўлишини таъминлаш. Умумий жисмоний ривожлантириш ва болаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш. |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |
|                                     | Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш                                | Эртақ, ҳикоя, мултфильмлар қаҳрамонларига қайғудош бўлиш ҳиссини, дўстларининг ҳиссиётларинисўз билан ифадалай олишга ўргатиш                                                                                                      |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |
|                                     | Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари                    | Диққат, тафаккурни ривожлантириш, расмларни таърифлаб беришга ўргатиш. Фазо тушунчаси бола огига сингдириш                                                                                                                         |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |
|                                     | Билиш жараёнининг ривожланиши                             | Болаларни глобус, ер сайёраси, космик кемалар билан таништириш, фазогир касби ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш, геометрик шаклларни, предметлар тасвирини топишга ўргатиш                                                         |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |
|                                     | Ижодий ривожланиш                                         | Хорда кўшиқ куйлаш ва мусиқа асбобларини чалишга ўргатиш. шаклларни турли технология бўйича бўяшга ўргатиш                                                                                                                         |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |
| Ривожланиш марказлари               |                                                           | Таълимий-тарбиявий фаолият                                                                                                                                                                                                         |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |
|                                     |                                                           | Душанба                                                                                                                                                                                                                            | Сешанба                        | Чоршанба | Пайшанба                   | Жума                                                                                                                    | Ресурслар                     |
| Эркин фаолият                       | Қуриш, яшаш ва математика                                 | Шамол билан ўйнаш учун паррак                                                                                                                                                                                                      |                                | Ракета   |                            | Намуна, картон қоғоз, рангли қоғоз, най, қайчи, елим. Расмлар, ракета тасвири бор макетлар. Катта ва кичик конструктор. |                               |
|                                     | Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш                    | “Ракетада учамиз” сюжетли-ролли ўйин                                                                                                                                                                                               |                                |          |                            | Расм, АКТ, ракета макети, ўйинчоқлар.                                                                                   |                               |
|                                     | Тил ва нутқ                                               | Ойга саёҳат                                                                                                                                                                                                                        |                                |          |                            | Сюжетли расмлар                                                                                                         |                               |
|                                     | Фан ва табиат                                             | Фазога йўл                                                                                                                                                                                                                         |                                |          |                            | Сюжетли расмлар, мавзу бўйича ўйинлар тўплами                                                                           |                               |
|                                     | Санъат                                                    | Лой иши: Ракета                                                                                                                                                                                                                    | Аппликация: Фазодаги ракеталар |          | Расм: Мен ракетани чизаман |                                                                                                                         | Намуна, концевлярия жиҳозлари |
|                                     | Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш                                  |                                                                                                                                                                                                                                    |                                |          |                            |                                                                                                                         |                               |

## АПРЕЛЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА

### КОИНОТ СИРЛАРИ

#### Куриш, яшаш ва математика маркази

##### **Шамол билан ўйнаш учун паррак**

**Мақсад:** болалар паррак қисмларини ясайдилар, тўғри ўрнатишни биладилар ва деталларни фарқлай оладилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** рангли қоғоз, қайчи, 20 см узунликдаги таёқчалар, михча ва болғача.

##### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Парракларни томоша қилиш.
2. Паррак яшаш кета-кетлиги тасвирланган схема билан танишиш.
3. Парракларни яшаш.
4. Ясалган парракларни шамол эсганда айланишини кузатиш.

**Қўшимча:** Ясалган парраклар билан майдончани безатиш таклифини бериш. Парракларни яшашнинг бошқа турлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар бериш ва таништириш.

**Эътиборга молик жиҳати:** таёқчага михчаларни қоқишда тарбиячининг раҳбарлигини таъминлаш, ҳаёт хавфсизлиги асосларига амал қилиш.

#### Куриш, яшаш ва математика маркази

##### **Ракета**

**Мақсад:** болалар ракета ҳақида тасаввурга эга, унинг вазифасини билиб оладилар, геометрик мозаика ёрдамида ракета яшашни ўрганадилар, тасаввури, идроки, майда қўл моторикалари шаклланади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** ракета тасвирланган расмлар, макетлар, геометрик мозаика, АКТ

##### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Ракета ҳақида суҳбат. АКТ
2. Расмлар ва макетни томоша қилиш.
3. “Расмни йиғ” таълимий ўйини.
4. Геометрик мозаикалардан мустақил ракета яшаш.
5. Бажарилган иш натижаларини муҳокама этиш, раҳбатлантириш.

**Қўшимча:** видеороликларни томоша қилиш, ракета яшашда бошқа турдаги мозаикалардан фойдаланишни таклиф этиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** бошланган ишни охирига етказиш.

#### Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

##### **“Ракетада учамиз” сюжетли-ролли ўйин**

**Мақсад:** болалар сюжет мазмунига қизиш билдирадилар. Ракета ва унинг вазифаси ҳақида тасаввурга эга. Жамоа бўлиб ўйнайдилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** расмлар, АКТ, ракета макети, ўйинчоқлар.

##### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Сюрприз дақиқа: Билмасвой меҳмонга келади.
2. “Учади, учмайди” таълимий ўйини.
3. Муҳокама: сюжетнинг ривожланиши. Ролларни тақсимлаш.
4. Ўйиннинг кечиши.

**Қўшимча:** мультипликацион фильмларни томоша қилиш.

**Эътибор молик жиҳати:** жамоада аҳил ўйнаш, бир-бирларини тинглай олиш. Болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

### **Тил ва нутқ маркази**

#### **Ойга саёҳат**

**Мақсад:** болалар ўйинчоқлар қисмларини тўғри номлайдилар, луғат бойликлари ошади, коинот сирларини ўрганишга қизиқишлари ортади, космонавт касби ҳақида тасаввурга эга бўладилар фаол нутқлари шаклланади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** ўйинчоқлар расмлари, турли ўйинчоқлар, топишмоқли конверт.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Ойга саёҳат ҳақида суҳбат. Космик экипажни тузамиз.
2. “Юлдузли йўл” таълимий ўйини.
3. Топишмоқларни топиш.
4. “Космик лото” таълимий ўйини.
5. “Ортиқчасини топ” таълимий ўйини.

**Қўшимча :** фазо ҳақида бадий асарларни ўқиш, видео роликларни томоша қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** образли тафаккурнинг шаклланиши.

### **Фан ва табиат маркази**

#### **Фазога йўл**

**Мақсад:** болалар фазо ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Фазога қандай чиқиш кераклигини биладилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** сюжетли расм, предметли расм, мавзуга оид ўйинлар тўплами. АКТ

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. “Юлдузли осмон” расмини томоша қилиш.
2. Фазо, фазогирлар ҳақида суҳбат.
3. “Ким нима қилади?” таълимий ўйини.
4. “Фазо бу нима?” мавзусида слайдлар намойиши:
  - Сайёрамиз қандай номланади?
  - У қандай шаклга эга?
  - Ернинг йўлдоши нима деб номланади?
  - Қуёш – сайёрами ёки юлдуз?
  - Бошқа сайёраларда ҳаёт борми?
  - Кимлар фазога учади?
  - Биринчи фазогир ким бўлган?

**Қўшимча:** “Фазогирлар” сюжетли-ролли ўйин, либослар ясаш. “Билмасвой ойда” мультипликацион фильмини томоша қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** қизиқувчанлик, тафаккур ва нутқни ривожлантириш.

### **Санъат маркази**

#### **Лой иши: Ракета**

**Мақсад:** болалар лойни (пластилиндан) ёйиш, эзиш, чўзиш усулларида фойдаланиб ракета ясайдилар ва шаклини ўхшатишга ҳаракат қиладилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** пластилин, тахтача, салфеткалар, киндер сюрприз контейнери.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Фазо тўғрисидаги китоб ва иллюстрациялар, альбомларни томоша қилиш.
2. Бармоқлар гимнастикаси.
3. Ясаш ишларини бажариш.
4. Болалар ижодий ишлари кўргазмаси.

**Қўшимча:** фазо ҳақидаги шеърларни ёдлаш.

**Эътибор молик жиҳати:** фантазия ва ижодий тасаввурни намоиш этиш.

### **Санъат маркази**

**Аппликация: Фазодаги ракета**

**Мақсад:** болалар ракета, фазо ҳақида тасаввурга эга; фигураларни мустақил кесиб, қоғозга ёпиштира оладилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** кўк рангли бахмал қоғоз, қайчи, фигурали тешгич, фазо, ракеталар, фазогир тасвирланган расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. “Ракета учишга шай” расмини томоша қилиш.
2. Фазо ҳақида топишмоқлар айтиш.
3. Аппликация бўйича ишларни бажариш.
4. Болалар ижодий ишлари кўргазмаси.

**Қўшимча:** фазо, юлдузлар туркуми, юлдуз, фазогир, ракета сўзлари қўлланилишини жонлантириш.

**Эътиборгамолик жиҳати:** болаларда композиция ва ижод туйғусини ривожлантириш.

### **Санъат маркази**

**Расм: Мен ракетани чизаман**

**Мақсад:** болалар мустақил равишда ракетани чиза оладилар, контури бўйича бўяб чиқадиладар, турли усуллардан фойдаланиб чизадиладар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** чизиш учун тўплам, тўқ кўк рангли қоғоз варақлари, чизмалар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Фазо ҳақидаги расмлар, ракета макетларини томоша қилиш.
2. Болалар билан мавзуга оид суҳбат.
3. Тайёр ракета расм намуналари билан танишиш.
4. Расм чизиш бўйича ишларни бажариш.
5. Болалар ижодий ишлари кўргазмаси.

**Қўшимча:** фазо ҳақидаги бадий адабиётларни ўқиш.

**Эътибор молик жиҳати:** болалар фантазиясини, бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш.